



Юрист

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА

142

Самарқандского района
Самарқандской области
Республики Узбекистан

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ойулбод қо'ғ'ғ'они
Тел: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самарқандского района, Самарқандской области
Тел: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

15-у.г. «31» декабр

№ 1878-к

**“Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис”
агрофирмаси худудиди фуқаро Султонзода Фарзин Рахимжоновичга
умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида.**

“Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил” маҳалласида яшовчи фуқаро Султонзода Фарзин Рахимжонович туман ҳокими номига “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис” агрофирмаси худудидан умумий овқатланиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил” маҳалласида яшовчи фуқаро Султонзода Фарзин Рахимжоновичга “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис” агрофирмаси худудидан умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун майдони 648 м.кв (шундан 324 м.кв қурилиш учун, 324 м.кв ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун) кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Султонзода Фарзин Рахимжоновичга умумий овқатланиш шахобчасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.